Куч — адолатда

2014 йил
7 ноябрь,
жума
№ 45 (506)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Ҳурматли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда юртимиздаги барча темирйўл ходимларини мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ташкил этилганининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон темир йўллари ўзининг 20 йиллик тарихи давомида мураккаб шаклланиш ва жадал ривожланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда юртимизнинг барча минтақаларини ишончли боғлаш учун бамисоли қон томирлари каби ҳаётий зарур бўлган темир йўл транспорти коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизими сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Агарки мана шундай темир йўллар бўлмаса, биз қандай ҳаёт кечиришимиз, иқтисодиётимизни қандай ривожлантириш мумкинлигини тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўларди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг эса 75 фоиздан ортиғи темир йўл транспорти орқали ташилмоқда.

Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг энг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб ўрин эгалламоқда. Маълумки, қадим замонлардан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон замини бўйлаб Буюк ипак йўли ўтган ва бу ҳудудда кўплаб савдо йўналишлари туташган, турли цивилизациялар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик алоқалари амалга оширилган. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон магистрал темир йўл тармоқлари орқали Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни бирлаштирадиган салмоқли транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Мамлакатимизда темир йўл транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, темир йўл ташувларининг ишончлилик ва хавфсизлик даражасини ошириш бўйича "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси томонидан олиб борилаётган ишларни алоҳида қайд этиш зарур. Кейинги йилларда темирйўлчиларимизнинг куч-ғайрати билан 1 минг 100 километрдан зиёд янги темир йўл тармоқлари барпо этилди, 3 минг 800 километрлик йўл модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, қарийб 1000 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Ана шундай катта ишларимиз натижасида темир йўлларнинг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга етди ва улар республикамизнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконига эга бўлди.

Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган Навоий-Учқудуқ-Нукус-Султон Увайстоғ ва Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизни узоқ истиқболни кўзлаган ҳолда, барқарор ривожлантириш йўлида стратегик аҳамиятга эгадир.

Японияннг Халқаро ҳамкорлик банки иштирокида мураккаб табиий ва иқлим шароитларида барпо этилган, денгиз сатҳидан 1 минг 500 метр баландликда жойлашган тоғ довони орқали ўтадиган 223 километр узунликдаги Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўли моҳият эътибори билан Марказий Осиёда ўхшаши бўлмаган ноёб иншоот ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Мароқанд-Қарши ва Қарши-Термиз темир йўл тармоқларини электрлаштириш борасидаги ишлар ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизнинг шимолий ва жанубий минтақаларининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли металлар, қурилиш материаллари ва бошқа қимматбаҳо фойдали қазилмаларнинг бой конларини комплекс ўзлаштириш учун, ҳеч шубҳасиз, катта имкониятлар очади. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларини шакллантириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларимизнинг даромадлари ва моддий фаровонлигини ошириш учун шароит яратишга қандай муҳим ҳисса қўшишини, ўйлайманки, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Биз транспорт коммуникация соҳасидаги яна бир йирик иншоот, яъни, 19 километрлик темир йўл тоннелини ўз ичига оладиган Ангрен-Поп йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғини хитойлик ҳамкорларимиз билан биргаликда барпо этишга катта истиқболга эга бўлган муҳим лойиҳа сифатида қарамоқдамиз.

Ушбу темир йўл тармоғининг 2016 йил июль ойида ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятларини Ўзбекистоннинг марказий қисми билан ишончли тарзда боғлашга имкон яратади, республикамизнинг бутун ҳудуди бўйлаб ягона темир йўл транспорт тизимини шакллантириш борасидаги ишларни якунига етказади, Хитой - Марказий Осиё - Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Транспорт хизматларининг даражаси ва сифатини оширишда темир йўл паркининг ҳаракатланадиган таркибини энг замонавий, юксак самарали локомотивлар ва ҳар томонлама қулай вагонлар билан янгилаш бўйича ишлар ўта муҳим аҳамият касб этади. Фақатгина сўнгги ўн йилда 38 та замонавий электровоз ва 10 та йўловчи ташиш тепловози сотиб олинди, 150 та локомотив модернизация қилинди.

Испаниянинг "Талго" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, замонавий, юқори тезликда ҳаракатланадиган "Афросиёб" электропоезди Ўзбекистоннинг ғурур-ифтихори ҳисобланади. Шуни айтиш жоизки, бундай поездлар дунёнинг атиги саккизта мамлакатида мавжуд. Бугунги кунда ушбу поезд ҳар куни Тошкент-Самарқанд-Тошкент йўналиши бўйича 344 километрлик масофани бор-йўғи икки соатда босиб ўтмоқда. Бу эса одамларимизнинг ана шу транспорт турига бўлган муносабати ва қарашларини тубдан ўзгартирмоқда.

Юртимизда 11 та янги темир йўл вокзали барпо этилиши ва 7 та вокзалнинг реконструкция қилиниши натижасида улар бутунлай янгича қиёфа касб этди. Мазкур вокзаллар йўловчиларга энг юқори халқаро стандарт ва талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланганини қайд этиш лозим.

Ўтган йиллар мобайнида темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш ва тегишли инфратузилмаларни ободонлаштиришга 6 миллиард доллардан ортиқ капитал қўйилмалар, жумладан, 1,8 миллиард долларлик хорижий инвестициялар йўналтирилди.

Компаниянинг йўл хўжалиги, "Ўзтемирйўлйўловчи" очиқ акциядорлик жамияти йўловчилар ташиш бўлинмаси ва "Ўзтемирйўлконтейнер" юк ташиш тузилмаси, шунингдек, қурилиш ташкилотлари ва бошқа таркибий қисмлари мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантириш ва унинг самарали фаолият кўрсатишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Компания ташкил этилган кундан буён юк ташишлар 1,5 баробар, йўловчи ташиш эса 1,3 баробар кўпайгани, темир йўллар орқали 1 миллиард 400 миллион тонна юк ташилгани ва 350 миллион йўловчи ўз манзилига етказилгани унинг салоҳияти ва имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда темир йўл тармоғининг жадал ривожланаётган, юксак технологияларга асосланган Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи, Қуюв-механика заводи, "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонаси каби саноат корхоналари ҳақли равишда компаниянинг байроқдорлари ва ифтихори ҳисобланади. Улар Европа мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея давлатлари ва бошқа етакчи хорижий компанияларнинг замонавий асбоб-ускуналари ва янги авлод технологик тармоқлари билан жиҳозланганлиги айниқса эътиборлидир.

Мазкур корхоналарда локомотив ва йўловчи вагонларини таъмирлаш, модернизация қилиш ва қайта жиҳозлашдан ташқари, қисқа вақт ичида ўзимизнинг вагонсозлик саноатимизга муваффақиятли асос солинди ва бу ерда 2,5 мингта юк ва 150 та янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилди, 735 та йўловчи вагонлари модернизация қилинди.

Ўз таркибида юқори малакали 70 минг нафар инженер-техник ходимлар ва мутахассисларни, йўлсозлар, машинистлар, саноат ва қурилиш корхоналари, ижтимоий инфратузилма объектларининг ишчи ва хизматчиларини бирлаштирган аҳил меҳнат жамоаси компаниянинг бебаҳо бойлиги, олтин фонди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, билим ва тажрибангиз халқимиз орасида юксак обрў-эътиборга эга бўлиб, ҳар томонлама ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир.

Барчамизга аёнки, компаниянинг, бутун темирйўл тармоғининг келажаги аввало соҳага замонавий билимга эга, илғор технологияларни пухта ўзлаштирган, ўз касбига содиқ, Ватанимизга фарзандлик меҳри билан яшайдиган ёш мутахассис ва ишчиларни кенг жалб этиш билан бевосита боғлиқдир. Юртимиздаги олтита касб-ҳунар коллежи ва Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини ҳар йили уч мингдан зиёд ёш мутахассислар аниқ касб йўналиши бўйича битириб чиқиб, ҳаётга йўлланма олаётгани мамлакатимиз темирйўл транспортининг келгуси тараққиёти учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда темирйўлчилик касби мамлакатимизда ёшлар ўртасида қизиқиш ва талаб энг катта бўлган, шарафли касбга айланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги қутлуғ айём билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, фидокорона меҳнатингиз, Ватанимиз равнақи ва фаровонлигига қўшаётган муносиб ҳиссангиз учун самимий миннатдорлик билдириб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этаман. Сизларга ва оилаларингизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, эзгу ишларингизда янги-янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Самарадорлик, ишончлилик, хавфсизлик

"Туркистон" саройида 6 ноябрь куни "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси жамоасига табригини компания раиси О.Раматов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Ўзбекистон транспорт тизимини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Соҳада кенг кўламли ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилиб, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, йўловчилар сони ва юк ташиш ҳажми тобора ошиб бормоқда. Бу борада темир йўллар муҳим ўрин тутмоқда. Зеро, мамлакатимизда ташилаётган юкларнинг катта қисми айнан ушбу тармоқ улушига тўғри келади. Катта ҳажмда юк ташиш имконияти, об-ҳаво шароитидан қатъи назар, барқарор ва узлуксиз фаолият юритиши мазкур транспорт турининг асосий устунликларидандир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1994 йил 7 ноябрда қабул қилинган фармонига мувофиқ ташкил этилган "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси темир йўл тармоғини жадал ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда. Бугун ушбу компания мамлакатимизда темир йўл транспортининг барча соҳаларида юқори малакали кадрлар, улкан илмий ва моддий-техник база, лойиҳа ва қурилиш қувватлари ҳамда катта халқаро ҳамкорлик тажрибасига эга энг йирик компания ҳисобланади. Нафақат янги магистрал ва вокзаллар бунёд этиш, мавжуд темир йўл тармоқларини модернизация қилиш, балки электровозлар паркини янгилаш, янги йўналишлар ташкил этиш ва бошқа вазифалар компания фаолиятининг устувор йўналишларидандир.

Навоий-Учқудуқ-Нукус-Султон Увайстоғ янги темир йўл линиясининг қурилиши "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилган энг йирик лойиҳалардан биридир. Ушбу янги линиянинг ишга туширилиши нафақат табиий бой минерал захиралардан фойдаланиш, қўшни мамлакатлар ҳудудини айланиб ўтадиган транспорт харажатларини камайтириш, балки фуқароларимиз фаровонлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Президентимиз таъкидлаганидек, сайловлар — бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғли демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир.

Дарҳақиқат, сайловлар давлат ҳокимиятини шакллантиришда фуқаролар иштирокини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий воситасидир.

Munosabat

Демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилди. Ўтган йиллар мобайнида давлатимиз томонидан мазкур соҳага оид кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва унинг нормаларини такомиллаштириш бўйича ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

Қ А Р О Р И

2014 йил 3 октябрь № 18/267 Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17 ва 47-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

I. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Суд ҳокимияти тўғрисида" 1996 йил 20 декабрдаги 1/60-сонли қарорига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 3-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида судьяларга юксак мақом берилди, улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ёки унинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати томонидан сайланади ёхуд Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади";

2) 10-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасини шакллантириш ва танлаш, судьяларни янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига тавсия этиш ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси амалга оширади";

3) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Қонун судьяларни сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати, сиёсий партияларнинг аъзоси бўлишлари, сиёсий ҳаракатларда иштирок этишлари, шунингдек, илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир турдаги фаолият билан шуғулланишларини тақиқлайди. Шу билан бирга судьялар касбий фаолиятига оид уюшмаларга бирлашишлари мумкин".

II. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида" 2000 йил 28 апрелдаги 2/84-сонли қарорига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) кириш қисмининг иккинчи хатбошиси ва биринчи бандидаги "кичик ва ўрта бизнес корхоналарини, деҳқон-фермер хўжаликларини" деган сўзлар "кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик" деган сўзлар билан алмаштирилсин";

2) 4-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Судлар назарда тутишлари лозимки, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш чекланган, яъни ушбу Қонун талабига кўра, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан назорат қилувчи органлар томонидан режали тартибда кўпи билан йилига бир марта амалга оширилиши мумкин, бундан хусусий корхоналар ва кўрсатилган модданинг иккинчи-олтинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риоя қилувчи тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилиши мумкин, ушбу моддада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхоналар фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно";

3) 5-банддаги "2000 йил 25 майдаги" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) қуйидаги мазмундаги 8-банд билан тўлдирилсин:

Судлар суд муҳокамаси чоғида судни ва ишда иштирок этувчи шахсларни тижорат сири билан таништиришга тижорат сирининг мулкдори ёки конфидент даъвогар ёки жавобгар сифатида иштирок этаётган низонинг мазмунига бевосита тааллуқли бўлган қисми бўйича йўл қўйиши, суднинг тижорат сиридан чекланмаган ҳолда фойдаланишга фақат Ўзбекистон Республикасининг "Тижорат сири тўғрисида"ги Қонуни 17-моддасида белгиланган ҳолларда рухсат берилишига эътибор қаратиши лозим".

5) 10-банд:

иккинчи хатбошиси ўзбек тили матнидаги "ҳуқуқий" сўзи "юридик" сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Якка тартибдаги тадбиркор тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда, ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи жисмоний шахсдир";

(Давоми иккинчи бетда)

Самарадорлик, ишончлилик, хавфсизлик

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Амударёда маҳобатли кўприкнинг бунёд этилиши эса мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантиришда, айниқса, муҳим лойиҳа бўлди. Ушбу улкан муҳандислик иншооти Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларини, хусусан, пойтахтимиз билан боғлаб, ўртадаги масофани сезиларли даражада қисқартириш имконини берди. Узунлиги қарийб 700 метр бўлган ушбу кўприк Урганч-Тошкент йўналиши бўйича қатнайдиган поездлар ҳаракати вақтини 5,5 соат, масофани 300 километрга қисқартирди.

Компания йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Тошкентдан Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарларига "Шарқ" ҳамда "Насаф" тезюрар поездлари қатновини йўлга қўйди. Бундан ташқари, 11 янги вокзал бунёд этилиб, 7 темир йўл вокзали реконструкция қилинди. Замонавий техникалар билан таъминланган бу вокзаллар йўловчиларга халқаро талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини бермоқда. Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида қатнаётган юқори тезликда ҳаракатланувчи "Афросиёб" поезди мамлакатимизда транспорт хизмати кўрсатиш сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиз локомотив хўжалигини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Истиқлол йилларида соҳада улкан ўзгаришлар рўй берди. Катта ҳажмдаги юкларни кам маблағ сарфлаган ҳолда ташиш имконини берадиган янги юк электровозлари харид қилинди. Жумладан, сўнгги 10 йилда компания томонидан 15 йўловчи, 12 юк ва йўловчи, 11 юк ташувчи электровозлар ва 10 йўловчи ташиш тепловозлари сотиб олинди.

Шу билан бирга, вагонлар парки ҳам сезиларли даражада янгиланди. Бу эса мамлакатимиз темир йўл соҳасида улкан тараққиётга эришётганидан ёрқин далолат беради. Тошкент йўловчи вагонлар қуриш ва таъмирлаш заводи бу борада амалга оширилаётган ишларга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу ерда халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган қулай ва шинам йўловчи вагонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтга қадар завод томонидан 120 янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилди, 735 вагон модернизация қилинди.

Яқинда реконструкция қилинган Қуюв-механика заводи вагонлар паркини тўлдиришни таъминламоқда. Йилига 26,5 минг тонна қуйма маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу заводда айни пайтда 167 турдаги саноат маҳсулотлари тайёрлаш маҳаллийлаштирилди.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, бугунги кунда Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл қурилишини якунлаш орқали Ўзбекистон Республикасининг яхлит, мустақил темир йўл тизимасини шакллантириш компания фаолиятининг энг муҳим вазифаларидандир. Ушбу лойиҳа доирасида узунлиги 19 километрлик темир йўл туннелини қуриш кўзда тутилган.

Айни пайтда ушбу лойиҳани амалга ошириш доирасида 35,5 миллион куб метрлик тупроқ ишлари амалга оширилиб, 204 иншоот, 11 кўприк, 3 йўл ўтказгич барпо этилиб 82 километрлик темир йўл линияси қуриб битказилди. Туннел асосий қисмининг 5,5 минг метр узунликдаги участкасида қазиш ишлари, 1,4 минг метрдан ортиқ масофадаги участкада эса пардозлаш ишлари амалга оширилди.

Бу ишларга энг замонавий темир йўл техникаларининг жалб этилгани темир йўл соҳасини жадал ривожлантириш, кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш имконини бераётир. Шундай мураккаб ишда ўз касбига меҳр қўйиб, фидокорона меҳнат қилаётган инсонлар муҳим ўрин тутмоқда. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллиги ўз ҳаётини темир йўл соҳасини ривожлантиришга бахш этган 70 мингдан зиёд ишчи-хизматчиларнинг байрамидир.

Уларнинг фидокорона меҳнати давлатимиз томонидан муносиб баҳоланмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 5 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, темир йўл транспорти тизимини замон талаблари асосида ривожлантириш, соҳадаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун соҳанинг бир гуруҳ ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотларига лойиқ кўрилди. Тадбирда уларга Ватанимизнинг ушбу юксак мукофотлари топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг ўқув ишлари бўйича проректори Ф.Каримова ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг алоқа ва сигналлаштириш маркази бош муҳандиси Ҳикматилло Солиев Президентимиз Ислом Каримовга соҳа ходимларига қаратаётган алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирди.

— Мен учун бугун энг қувончли ва бахтли кундир, — дейди Ҳ.Солиев. — Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими унвони билан тақдирландим. Камтарона меҳнатим мана шундай юксак мукофотга муносиб кўрилгани мен учун катта шарафдир. Давлатимиз раҳбари томонидан темир йўл транспорти ходимларига қаратилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик бизни Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида бор куч-ғайратимизни сафарбар этишга ундайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон халқ шоири И.Мирзо темирйўлчиларни ушбу сана билан табриклади.

Тантанали тадбир санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокидаги байрам концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

6) қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Жисмоний шахслар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан кейингина биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномасининг тарафлари бўлиши мумкин"

7) 17-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги "солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловлар" деган сўзлар "солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 21-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судлари мазкур тоифадаги ишлар юзасидан қонунчиликнинг тўғри ва бир хилда татбиқ этилишини таъминлашлари, суд амалиётини доимий таҳлил қилиб боришлари, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришлари лозим".

III. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди қўшма Пленумининг "Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунларни суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 2002 йил 25 октябрдаги 20/107-сонли қарорига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) қарорнинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун ҳужжатларини суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида";

2) кириш қисмининг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидаги "Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг" деган сўзлар "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин";

3) 1-банддаги "кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг" деган сўзлар "кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин";

4) 2-банд:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Судларга тушунтирилсинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва имтиёзларини аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосий ҳуқуқий манба бўлиб ҳисобланади";

иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги "1998 йил 30 апрелдаги" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

"Судлар томонидан ишларни кўришда ва мазкур тоифадаги хўжалик юритувчи субъектларга қонун ҳужжатлари билан берилган имтиёзларни аниқлашда, аввалгидек, уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эканликлари аниқланиши, бу ҳақда тегишли суд ҳужжатларида қайд этилиши лозим.

"Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига биноан оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади. Оилавий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан биридир";

5) 3-банд:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан, акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятидан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар (бундан меҳнатга оид низолар мустасно) ҳам хўжалик судларига тааллуқлидир";

учинчи-бешинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи-олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошисидаги "Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни 11-моддасининг" деган сўзлар "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 13-моддасининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин";

бешинчи хатбошисидан иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

6) ўзбек тилидаги матни 7-бандининг биринчи хатбошисидаги "Ўзбекистон Республикаси "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг", "Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг" деган сўзлар "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг", "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин".

IV. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида"ги 2006 йил 22 декабрдаги 22/149-сонли қарорига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 5-банднинг иккинчи хатбошисидаги "солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар ҳақидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги барча бартараф этиб бўлмайдиган шубҳалар, қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар" деган сўзлар "тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устиворлиги принципига асосан қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 16-банд:

биринчи хатбошисидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошисидаги "10 кун мобайнида" деган сўзлар "қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 16.1-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги ҳамда 16.2-бандининг биринчи ва учинчи хатбошиларидаги "йиғимлар" деган сўз чиқариб ташлансин;

4) 17.2-банд:

биринчи хатбошисидаги "40" рақами "41" рақами билан алмаштирилсин;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"- назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган текширувлар ўтказиш режасидан кўчирма ёки режадан ташқари ёхуд муқобил текширув ўтказиш тўғрисида ушбу орган томонидан қабул қилинган қарорнинг кўчирма нусхаси;

- назорат қилувчи органнинг текшириш мақсадлари, текширувчи мансабдор шахслар таркиби ва текширув ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғининг кўчирма нусхаси;

- текширувчи мансабдор шахсларнинг текширувлар ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномаси ва шахсий гувоҳномаси".

V. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарорига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 1-банд "Гаров тўғрисида"ги" деган сўзлардан кейин "Гаров реестри тўғрисида"ги" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) 22-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Судларга тушунтирилсинки, қонун ҳужжатларига мувофиқ гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга, агар бу гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади. Мазкур келишув туфайли ҳуқуқлари бузилган шахснинг даъвосига кўра бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин";

3) 27-банд:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбошиси билан тўлдирилсин:

"- гаровга олувчи Фуқаролик кодекси 282-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланмаган бўлса, бундан гаровга қўйилган мол-мулк реализация қилинмаганлиги ва талаблари гаров билан таъминланмаган кредиторларнинг ўз талабларини қаноатлантириш учун мазкур мол-мулкни қабул қилишни рад этганлиги ҳоллари мустасно";

олтинчи-ўнинчи хатбошилар тегишинча еттинчи-ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

VI. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўллашда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар ҳақида" 2009 йил 10 апрелдаги 06/196-сонли қўшма қарорига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 16-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Хўжалик судлари шуни эътиборга олишлари лозимки, суд ижрочисининг у ёки бу қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза хўжалик суди томонидан кўриб чиқилмайди ва бундай аризалар ХПК 117-моддасининг 1-бандига асосан қабул қилинмайди, қабул қилинганлари бўйича эса, ХПК 86-моддасининг 1-бандига асосан иш юритиш тугатилиши лозим";

2) 17-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Суд, шикоятни асосли эканлигини аниқласа, хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни ноқонуний, қарорни эса ҳақиқий эмас деб топади. Билдирилган талаб асоссиз бўлса, суд уни қаноатлантиришни рад қилади".

VII. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2012 йил 14 сентябрдаги 12/239-сонли қарори 6-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Агар якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти даъво тақдим этилгунга қадар тугатилган ва тегишли талаблар унинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиққан тақдирда ҳам, шунингдек, унинг мақоми даъво тақдим этилгандан сўнг йўқотилган тақдирда ҳам, улар иштирокидаги низолар хўжалик судига тааллуқлидир".

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ш.Газиев

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси К.Камилов

Пленум котиби в.б., Олий суд судьяси О.Хайитов

Пленум котиби, Олий хўжалик суди судьяси К.Давлетова

Jinoyat va jazo

Қут-барака

Нафс қутқусига учиб, турли хил қилмишларга қўл уриш ҳеч қачон яхшилик билан якун топмаслиги ҳаётда жуда кўп марта ўз исботини топган. Чунки нафсга берилиб, ўз манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўядиган кимса, аввало, элнинг назаридан қолади.

Бунга Мухтор Одиловнинг (исм-шарифлар ўзгартирилди) қилмишларини мисол сифатида келтириш мумкин. У айнан нафс қутқусига учиб, турли хил қинғирликларга қўл ургани учун етти йил ичида бир эмас, икки эмас, тўққиз марта суднинг қора курсисига ўтирди. Тўғри, ҳаётда одам тажрибасизлиги ёки билими етишмаганлиги туфайли адашиши, хатога йўл қўйиши мумкин. Амалдаги қонунларимизда хато қилган ёки адашган киши ҳаётда яна тўғри йўлни топиб олиши учун бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари ўз ифодасини топган. Буни таъкидлашдан мақсад шуки, аввалига Мухтор Одиловга нисбатан ҳам қонунларимиздаги инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлилик тамойиллари қўлланилган, қилмишидан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётда тўғри йўлни топиб олиши учун имконият берилган эди. Бироқ у ўз билганидан қолмади, яна жиноий қилмишларга қўл урди.

Батафсил тўхталадиган бўлсак, у таниши Бобошер Тиллаевнинг номига "Ургут Санчиқул қурувчи" хусусий корхонасини ташкил этади ва унга ўзи раҳбарлик қилади. Бош ҳисобчи вазифасига эса, қариндоши Сардор Саимовни расмийлаштиради. Аммо у Б.Тиллаев ва С.Саимовларнинг номидан хусусий корхонанинг барча расмий ҳужжатларига ўзи сохта имзо қўйиб келади.

Айтиш керакки, М.Одилов Ургут тумани ва Самарқанд шаҳрида 2012 йилда хусусий корхона номидан бир қатор умумтаълим мактаблари ва тиббиёт муассасалари мутасаддилари билан қурилиш ҳамда жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича шартномаларни расмийлаштиради. Бироқ хусусий корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамига шартномада кўзда тутилган маблағлар келиб тушгач, М.Одилов ғирромлик йўлига ўтади. Яъни у шартномаларда кўзда тутилган қурилиш ва жорий таъмирлаш ишларини бажармасдан мансаб мавқеини суиистеъмол қилади. Оқибатда ўзганинг жуда кўп миқдордаги — 57 миллион 995 минг 42 сўм пул маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилади.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2013 йил 2 майдаги ҳукми билан судланувчи М.Одиловга уч йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, энг кам ойлик иш ҳақининг 320 баравари миқдорида жарима ва олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади.

Буни қарангки, ушбу суд жараёнида М.Одиловнинг бошқа кирдикорлари ҳам очилиб қолади.

Гап шундаки, М.Одилов 2005 йил август ойида Ургут туманида "Мадад Тараққиёт ЁАМ" хусусий фирмасини ташкил қилиб, давлат рўйхатидан ўтказади. Унинг ўзи ушбу хусусий фирмада бош ҳисобчи лавозимида фаолият юритиб келади. У таниши Алишер Одиловни хусусий фирма раҳбари лавозимига номигагина расмийлаштиради-да, барча молиявий хўжалик фаолияти билан боғлиқ ишларни ўзи юритади. 2008 йилдан то 2013 йилга қадар банк муассасасига тақдим этган тўлов топшириқнома ва ҳисобот ҳужжатларида Алишер Одиловнинг имзоларини такроран қалбакилаштириб келади. Бунинг устига у айнан шу даврда кирдикорларини яширишга ҳам уринади. Жумладан, солиқ қонунчилигига риоя этиш юзасидан текшириш ўтказишга халақит бериш мақсадида, хусусий фирманинг молиявий фаолиятига оид қатъий ҳисобдаги бирламчи ҳисобот ҳужжатлари, тамға ва муҳрни қасддан йўқ қилади.

М.Одилов масъул мансабдор ва моддий жавобгар шахс бўла туриб, фойда ва солиқ солинадиган объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш ва давлат томонидан белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш йўли билан бойлик орттиришни кўзлайди.

Munosabat

Демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатларида сайлов қонунчилиги ва сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамлаб қўйилди. Булар жумласига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида", "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлар киради.



Асосий қонунимизнинг йигирма учинчи боби сайлов тизимига бағишланган бўлиб, унинг 117-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамланган. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Дарҳақиқат, ушбу қоидалар унинг демократик тусда эканлигидан ҳамда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ қоидаларига тўла мослигидан далолат беради.

Таъкидлаш керакки, санаб ўтилган қонунлар орасида "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳим аҳамият касб этади. Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Мазкур қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига эга.

Шу билан бирга, сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига сайланиш ҳуқуқига эга. Ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эса сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари эгадирлар.

Маълумки, сайлов кампанияси ошкоралик асосида ўтказилади. Албатта, бунда ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, қонунда сайловчиларга сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва айрим номзодларнинг келгуси фаолият дастури билан танишиш ҳуқуқи берилган.

Саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар участка сайлов комиссиясига тегишли илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Комиссия овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлат ва жамият қурилиши соҳаси, ҳуқуқий тизим, жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Шу асосда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар сайлов жараёнларини либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириши учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш имконини бераётир.

Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган "Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида фуқароларнинг эркин хоҳиш билдириш, сайлов комиссиялари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, сайлов қонунчилигининг бузилишига йўл қўймасликка оид қоидаларнинг мустаҳкамланганги сайлов ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлади.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикасининг миллий сайлов қонунчилигида белгиланган фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига тўла мос келиши таъминланди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 41-моддасига кўра, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имконияти эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади. Сайловчи тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади. Мазкур меъёрлар фуқароларга сайлов ҳуқуқини амалга оширишга кенг қулайлик яратди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатланганлиги ҳамда унинг умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ қоидаларига тўла мослиги, шубҳасиз, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда муҳим омил бўлади.

Давронбек ОЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Сурункали алкоголизмга мубтало бўлган шахсларни мажбурий даволашга жалб қилиш мумкин экан. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Р.БАРОТОВА,
Когон тумани

— Маълумки, **"Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида"**ги қонуннинг 1-моддасига кўра, жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган ёхуд аҳолининг осойишталигига, саломатлигига ва маънавиятига хавф туғдираётган сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларга нисбатан мажбурий даволаш қўлланилади. Шунингдек, ушбу қонуннинг 3-моддасига асосан, мазкур тоифадаги шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар, тиббий хулоса бўлган тақдирда, ички ишлар идоралари томонидан уларнинг ўз ташаббусига кўра ёки беморнинг оила аъзолари ёхуд қариндошлари, меҳнат жамоалари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг илтимосномалари асосида тайёрланади ва расмийлаштирилади.

Айтинг-чи, йўловчилар шаҳар йўловчи транспортидан фойдаланишда қандай ҳуқуқларга эга?

Ж.МИРКОМИЛОВА,
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани

— Маълумки, "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасида йўловчиларнинг ҳуқуқларига доир меъёрлар белгилаб қўйилган. Унга кўра, йўловчилар шаҳар йўловчилар транспортининг ҳар қандай туридан, бекатлар ва тўхтаб ўтиш манзилларидан, ўзлари билан биргаликда етти ёшгача бўлган болаларини бепул олиб юриш, ўлчамлари белгиланган катталикдан ошмайдиган, вазни йигирма килограммгача бўлган қўл юкини бепул олиб юриш, белгиланган тарифлар бўйича ҳақ тўлаб багаж олиб юриш, ҳаёти ва соғлиғини шахсий суғурта қилиш ҳақида ихтиёрий равишда шартнома тузиш, бекатлар ва охирги диспетчерлик манзиллари диспетчерларидан шаҳар йўловчилар транспортининг иш тартиби тўғрисида ахборот олиш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

Илтимос, судланганликни олиб ташлаш тартиби тўғрисида маълумот берсангиз?

Ж.ТОҲИРОВ,
Хоразм вилояти, Хонқа тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги Жиноят кодексининг 79-моддасига кўра, агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосномасига кўра, суд ушбу кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўтганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Ушбу кодекснинг 178-184, 185-185-2, 189-192-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги улар давлатга жуда кўп зарар етказмаган тақдирда, ушбу кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида тўртдан бир қисми ўтганидан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин.

Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққанидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Шунингдек, судланганлик афв этиш ёки амнистия акти асосида ҳам олиб ташланиши мумкин.

2014 йил апрель ойида Шуҳрат Шукуров исмли шахс машинаси билан сигиримни уриб юбориб, менга моддий зарар етказган эди. Жиноят ишлари бўйича Зомин туман суди Ш.Шукуровни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 133-моддаси билан ҳуқуқбузар деб топди ва зарарни ундириш тўғрисида қарор қабул қилди. Аммо шу пайтгача Ш.Шукуров томонидан етказилган зарар қоплангани йўқ. Айтинг-чи, бунинг учун мен қаерга мурожаат қилишим мумкин?

Очилой ЎСКАНОВА,
Жиззах вилояти, Зомин тумани

— Маълумки, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги" қонунга асосан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкий ундиришга оид қисмини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органларининг суд ижрочилари зиммасига юклатилган.

Шу сабабли шахсга етказилган моддий зарар сумасини ундириш юзасидан Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бошқармалари ва суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларига мурожаат қилинади.

Саволларга Олий суд бўлим бошлиғи Нишонмурод МИРЗААЛИМОВ ва Олий суд катта консультанти Фируза АЗИМОВА жавоб берди.

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат ҳуқуқи

қонун билан кафолатланган

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш, ҳар бир фуқарони белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда, шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқи конституциявий асосда кафолатлаб қўйилгани турмушимиз ободлиги ва фаровонлигининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқларини таъминлашда Меҳнат кодекси, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунлар муҳим ўрин тутади.

Айтиш жоизки, ушбу қонун ҳужжатларида иш берувчи ва ходим ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар, жумладан, меҳнатга оид низоларни ҳал этишга доир меъёрлар белгилаб қўйилган.

Меҳнат низолари — бу иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, меҳнат шартномасида назарда тутилган шартларни қўллаш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлардир. Якка меҳнат низолари меҳнат жамоаларида ташкил этилган меҳнат низолари комиссияси ва суд томонидан кўриб чиқилади. Қонунда назарда тутилган истисноларни билан бирга ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун, ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақли.

Бундан ташқари меҳнат низолари юзасидан меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспекторлари ва прокурор ҳам судда даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун махсус даъво муддатлари белгилаб қўйилган. Чунончи, ишга тиклашга доир низолар юзасидан ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни ундириш билан боғлиқ низолар юзасидан — зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб — бир йил;

бошқа меҳнат низолари бўйича — ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ойлик муддат белгилаб қўйилган.

Шу ўринда меҳнат низосига оид ҳаётий мисолга эътибор қаратайлик. Даъвогар З.Муродов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Шаҳрисабз туманидаги 93-сонли ўрта мактаб маъмуриятига нисбатан ишга тиклаш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Аниқланишича, З.Муродов ушбу мактабда ўқитувчи вазифасида фаолият юритиб келган. Аммо мактаб маъмуриятининг 2014 йил 7 февралдаги 19-сонли буйруғи билан Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 3-бандига асосан, яъни меҳнат интизомини мунтазам равишда бузганлиги учун у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

(Давоми тўртинчи бетда)

ҳалолликда

баднафслик эса, тўғри йўлдан адаштиради

Агар ушбу хусусий фирманинг 2008 йил 1 январдан — 2013 йил 25 июлга қадар бўлган даврдаги молиявий хўжалик фаолияти ва солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган тафтиш бўйича тузилган далолатнома билан танишган киши М.Одиловнинг кирдикорларидан воқиф бўлиши шубҳасиз.

Масалан, 2009 йилда хусусий фирма томонидан 189 миллион 900 минг сўмлик иш бажарилган ва хизматлар кўрсатилган бўлса-да, М.Одилов давлат солиқ инспекциясига топширган ҳисоботларда бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан тушган тушумни 41 миллион 666 минг 700 сўм деб, яъни 148 миллион 234 минг сўмга камайтириб кўрсатган.

Бундан ташқари хусусий фирма томонидан 2010 йилда 155 миллион 803 минг сўмлик иш ва хизматлар бажарилган бўлса-да, давлат солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботларда бу кўрсаткич яширилган. Умуман олганда, Мухтор Одилов фойда ва солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш орқали давлат бюджетига 145 миллион 514 минг 400 сўм тўланмай қолишига сабабчи бўлган.

Айтиш керакки, М.Одилов юқорида баён этилган қилмишларидан ташқари фирибгарлик жиноятини ҳам содир этади. Яъни у кунларнинг бирида таниши Фозил Турсунов билан учрашиб, арзон нархда қурилиш материаллари борлигини айтади. Аслида Ф.Турсунов ҳам қурилишни бошлаб қўйган, ёғоч материалларига эҳтиёж сезаётганди. У иши осон кўчганидан хурсанд бўлиб, М.Одиловга 600 АҚШ долларини беради.

Ф.Турсуновни оппа-осон "чув" тушиганидан қувонган М.Одилов бу пулларни ўз эҳтиёжига ишлатиб юборади. 2011 йил 12 декабрида у Ф.Турсуновни яна алдайди. Бу гал у фирибгарлик йўли билан жабрланувчининг 4 миллион сўмини қўлга киритади. Аммо орадан йиллар ўтса-да, Ф.Турсунов на ваъда қилинган қурилиш материалларини, на берган пулларини қайтариб олади.

Албатта, ҳаётда ҳар қандай жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. М.Одилов ҳам қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келди.

Суд М.Одиловни Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми, 209-моддаси 2-қисми "а" банди, 227-моддаси 2-қисми "а" банди ва 168-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топди ва унга ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида жазо тайинлади. Яъни суд ҳукми билан М.Одиловга энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз йигирма баравари — 23 миллион 153 минг 600 сўм миқдорида жарима, уч йил муддатга масъул мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Шунингдек, суд ҳукмида М. Одиловдан Ургут туман давлат солиқ инспекцияси фойдасига 145 миллион 514 минг 400 сўм ва жабрланувчи Ф.Турсуновнинг фойдасига 5 миллион 50 минг 162 сўм моддий зарар ундирилиши қайд этилди.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини юритаман, ўзимнинг эзгу мақсадимни рўёбга чиқараман, деган киши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Айниқса, бу борада яратилган имтиёзлар тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда. Энг муҳими ушбу имконият ва шарт-шароитлардан оқилона фойдаланган кўплаб юртдошларимиз ҳам оиласи, ҳам юртимиз фаровонлигига муносиб улуш қўшмоқда.

М.Одилов эса, нафс қутқусига учиб, бу имкониятларни кўр-кўрона суиистеъмол қилди. Энг ёмони, у нопок йўл билан бойлик орттиришга уринганги туфайли элнинг назаридан қолди. Ҳаётда ўзини англаган, оиласи, яқинларининг шаъни ва қадр-қимматини ўйлаган одам учун бундан ортиқ жазо йўқ.

Акрам ЎТАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судининг раиси

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 22 yilligiga

Оила – жамият ва давлат муҳофазасида

Халқимизда: "Оила тинч - юрт тинч" деган ҳикматли мақол бор. Оилада аҳиллик бўлса, юртда аҳиллик ва ҳамжиҳатлик барқарор бўлади. Оилада илм-зиёга интилиш, маънавий-ахлоқий масалалар тўғри йўлга қўйилган бўлса, жамиятда фозиллик, комиллик устувордир. Оиланинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий мустаҳкамлиги, ўз навбатида, бутун мамлакатнинг айни соҳалардаги ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Айтиш керакки, истиқлол йилларида мамлакатимизда оиланинг жамият тараққиётидаги ўрнини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш борасида изчил ҳамда тадрижий ислоҳотлар амалга оширилди. Энг муҳими, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг, тинч ва фаровон ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган Конституциямизда инсоний қадриятлар, оила ва оилавий муносабатлар муҳофазаси ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаб қўйилди.

Конституциямизнинг алоҳида боби оила институтига бағишланган бўлиб, унда оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга экани мустаҳкамланган. Мазкур конституциявий қоидани ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ўтган даврда Оила кодекси, шунингдек, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида", "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" каби бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Миллий қонунчилигимизда оила жамият ҳамда давлат ҳимоясида экани, никоҳнинг ихтиёрийлик ва тенг ҳуқуқлиликка асосланиши, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялаш, ўз навбатида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги, фарзандлар, ота-оналарнинг насл-насаби, фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги кафолатланган.

Оилавий муносабатлар ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қурилиши лозим. Айни чоғда, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари оиланинг жамият муҳофазасида бўлиш ҳуқуқини "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунда белгиланган нормаларда ҳам яққол кўриш мумкин.



Қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғинлари тегишли ҳудуд доирасида жойлашган оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар олинишида белгиланган тартибда кафил бўлиши, шунингдек, улар вояга етмаган болалари бўлган муҳтож оилаларга, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиши лозим. Шу билан бирга, фуқаролар йиғинлари оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида марказлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлашлари зарур.

Эътиборли жиҳати шундаки, оила муносабатларига оид ҳуқуқий асослар миллий қонунчилигимизни изчил такомиллаштириш орқали янада мустаҳкамланмоқда. Хусусан, 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, эрта никоҳ қуришнинг олдини олиш мақсадида никоҳ муносабатларига киришишда қонунда белгиланган никоҳ ёшига амал қилмаганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди.

Шу билан бирга, яқинда қабул қилинган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасида ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш ижтимоий шерикликни амалга ошириш соҳаларидан бири, деб эътироф этилди.

Айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрда қабул қилинган "Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида бугунги кунда юртимизда ёш оилалар учун кўп квартирали уйлар қуриш ҳамда мавжуд фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган объектларни ёш оилалар учун кўп квартирали уйлар этиб реконструкция қилиш ишлари бошланиб кетди.

Ушбу қарорга мувофиқ, "Камолот" уйларидаги квартиралар тижорат банклари томонидан имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш йўли билан мулк қилиб ёш оилаларга бериладиган бўлди. Бунда ёш оилаларга "Камолот" уйларидаги сотиб олинадиган квартиралар қийматини тўлаш учун, бошланғич бадал тўламасдан, Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига тенг бўлган фоизли ставка билан 20 йил муддатга, шу жумладан, 5 йиллик имтиёзли даврга ипотека кредитлари берилади.

Мухтасар айтганда, Асосий Қонунимизда оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини тубдан ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш масалалари комплекс равишда қамраб олинган. Энг муҳими, оилага бағишланган конституциявий нормалар замирида, бир томондан, кўп асрлик бебаҳо миллий анъаналаримиз ва маънавий қадриятларимиз, иккинчи томондан, жаҳонда ўзини оқлаган энг илғор ижобий тажрибалар ўзининг теран ифодасини топган. Зотан, миллий тараққиётнинг "ўзбек модели"да акс этган ўзига хослик ва самарадорликнинг туб мазмун-моҳияти ҳам аслида шунда.

Самира САИД-ГАЗИЕВА,
Тошкент шаҳар Олмазор тумани ФҲДЁ бўлими масъул ходими

G`aroyib olam

Табиат неъматлари орасида ноёб навлари ва антиқа шакл-шамойилга эга турлари ҳам учраб туради. Масалан, "Гиннеснинг рекордлар китоби"га киритилган дунёдаги энг йирик ва энг оғир сабзавотлар, мева ва полиз экинлари ҳам ўзига хос шов-шувларга сабаб бўлгани билан киши эътиборини тортади.

Биз билган ва билмаган дунё

Шулардан бири англиялик тажрибали боғбон В.Леврих томонидан яратилган янги олма нави кўриниши ва таъми жиҳатидан бошқа турдош олмалардан умуман фарқ қилмайди. Аммо унинг бир донаси 1 килою 357 граммгача тош босиши киши ҳайратини ошириши турган гап. Яна бир англиялик боғбон И.Йумензи эса, бир килою 405 граммлик нок етиштиришга мушарраф бўлди.

Шунингдек, яна бир боғбон Д.Бёрд ўз ҳовлисида умумий ҳажми 30 сантиметр, оғирлиги 411 грамм бўлган ноёб шафтоли навини етиштирган. Шуниси қизиқки, ушбу шафтоли дарахтлари қарийб 30 йилдан буён ҳам ўта ширин, ҳам йирик мевалари билан кўрган кўзларни ҳайратга солиб келмоқда.

Янада ажабланарлиси, оғирлиги 3,38 килограмм, айланаси эса, 74,9 сантиметр келадиган лимон етиштирилганига нима дейсиз? Унинг муаллифлари калифорниялик Шарлотта ва Дональд Энуценам ҳисобланишади.

Яна бир калифорниялик Н.Хоуп эса, ҳажми 66 сантиметр, оғирлиги нақ 3,4 килограмм тош босадиган пиёзни етиштиришга муваффақ бўлган эди. Шуниси қизиқки, орадан анча йиллар ўтганига қарамай бу рекорд ҳали-ҳануз янгиланганги йўқ.

Йирик ва мағзи кўп кунгабоқарлар етиштириш бўйича эса, мусобақа авж олиб, дунё рекордини янгилиб турганлар кўпчиликни ташкил қилар экан. Масалан, голландиялик М.Халмс кунгабоқарнинг бўйини 7,38 метргача ўстиришни эплаган бўлса, канадалик Эмили Мартин бу беминнат ўсимликнинг бош қисми айланасини 82 сантиметр кенгликкача етказа олган. Шунингдек, бу борада тамомила аксинча беллашувлар ҳам бўлиб туради. Хусусан, кунгабоқарлар ичида жуда миттиларини етиштириш бўйича Орегон штатида истиқомат қилувчи Ленкка тенг келадиган миришкор ҳали топилмади. У ўстирган кунгабоқарнинг бўйи атиги 5,5 сантиметрни ташкил этган бўлса-да, унинг бўйига нисбатан жуда мўл ҳосил берганлиги киши ҳайратини янада оширади.

Англиялик биолог олим Т.Кёрри томонидан кашф этилган нўхат тизмасининг узунлиги эса, 25,7 сантиметрга етганда у ўз маҳсулотини оммага кўз-кўз қилмоқчи эди. Бироқ бошқа бир олим — Ч.Макинвил томонидан ўстирилган нўхатлар тизмаси 63,5 сантиметрни ташкил қилгач, "чемпион"ликка даъвогарликдан воз кечиб қўя қолди.

Австралиялик Р.Уитфорд эса, оғирлиги 12,25 килограмм, узунлиги 69,8 сантиметрга "чўзилган" ғаройиб редиска ўстириб, ҳаммани лол қолдирди.

АҚШнинг Нью-Жерси штатида яшовчи фермер Р.Генкензи томонидан яратилган ошковоқ ҳам ўта ширин ва катталиги билан "Гиннеснинг рекордлар китоби"дан жой олган. Унинг оғирлиги 304,3 килони, ҳажми эса, 3,63 метрни ташкил этган. Баъзилар унинг пўстини махсус ишлов бериб, қалин ва чидамли қилиб, ундан қайиқ ясаш мумкин дейишмоқда. Ҳозирча бу ташаббусни зиммасига олган мутахассис топилганича йўқ.

Буни қарангки, қовун навлари орасида ҳам ўта вазндорлари бор экан. Ажабланарлиси, бу натижа АҚШнинг Арканзас штатида истиқомат қилувчи атиги 10 ёшли меҳнатсевар ва тиниб-тинчимас болакай Жейсон Брайтонга тегишли бўлиб, у 118 килони ташкил этади. Иордания ҳудудида жойлашган экин майдонида энг йирик картошка етиштирилган. Унинг вазни 13,6 килога тенг бўлиб, "Рекордлар китоби"га қайд этиш учун самолётда Лондонга олиб кетилган. Ундан аввалги рекорд англияликлар томонидан ўрнатилган бўлиб, ушанда ер юзидаги энг оғир картошканинг соф оғирлиги 10,4 килони ташкил этган эди.

Бельгиялик фермер П.Батрон етиштирган карамнинг оғирлиги эса, 51,8 килограммга тенг. Дунёдаги энг бўйдор карамни эса, австриялик Г.Хайсман ўстиришга муваффақ бўлди. Унинг бўйи нақ 4 метр 77 сантиметрни ташкил этган.

Франциянинг Рибон кўли атрофида ёввойи ҳолда антиқа қўзиқорин ўсади. Унинг бўйи 90 сантиметр, бош айланаси эса, 130 сантиметр бўлиб, оғирлиги ҳам ўзига яраша —118 килограммни ташкил этган.

Швецариялик фермерлардан бирининг экин майдонида эса, улкан замбуруғ етилиб пишганлиги ҳақидаги хабар тарқалганида дастлаб ҳеч ким бу гапга ишонмаган. Уни ўлчаб кўришга келган бир гуруҳ мутахассислар эса, ҳайратдан ёқа ушлашган. Ушанда бўйи 45 сантиметр, айланаси 53 сантиметр бўлган бу замбуруғнинг вазни 12,5 килограмм чиққан.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат ҳуқуқи

қонун билан кафолатланган

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар З.Муродов 2014 йил 28 январдан 11 февралга қадар шифохонада стационар тартибда даволанган. Айни шу даврда мактаб маъмурияти томонидан у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Ҳолбуки, бу даврда ходим меҳнатга лаёқатсиз ҳисобланиб, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Суд юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантирди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, судлар томонидан меҳнат низоларининг ўз вақтида адолатли ҳал этилаётгани фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Х.МУХАММЕДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг судьяси

Jinoyatga jazo muqarrar

Ҳушёрлик ва қоидага риоя этиш

йўлимиз бехатарлиги ва хавфсизлигимизни таъминлашнингасосий омилидир

Мамлакатимизда аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалгани сайин узоғимизни яқин, мушкулимизни осон қиладиган транспорт воситаларининг сони ҳам ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлиги хавфсизлигини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Албатта, йўлларда эркин ва бехатар ҳаракатланиш учун ҳайдовчи ва йўловчиларнинг Йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этишлари ғоятда муҳимдир. Бироқ ҳаётда Йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасдан, масъулиятни унутган ҳолда транспорт воситаларини бошқариб, ўзининг ва ўзгаларнинг ҳаётини хавф остида қолдирадиган айрим кимсалар ҳам учраб туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддасида транспорт воситаларини алкоголли ичимлик ёки гиёҳвандлик модда таъсиридан ёхуд ўзгача тарзда маст ҳолда бошқарганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаб қўйилган. Шунингдек, ушбу моддада транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан ҳуқуқбузарлик содир этганлик, алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёхуд ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини бошқаришни топширганлик учун ҳам маъмурий жазо кўзда тутилган.

Бундан ташқари амалдаги Жиноят кодексининг 266-моддасида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Яъни транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилиниши, агар ўша қилмиш одам ўлимига сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

Агар ўша қилмиш одамлар ўлимига, ҳалокатга, бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Албатта, автотранспорт воситасини бошқариб бораётган киши ҳушёрликни, бир дам бўлса-да, унутмаслиги, бутун диққат-эътибори йўлда бўлиши шарт эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Бироқ баъзан автоуловни бошқариб бораётган ҳайдовчи уяли алоқа воситаси орқали ўзгалар билан суҳбатлашаётгани ёки спиртли ичимлик таъсиридан маст эканининг гувоҳи бўламиз. Аслида йўлларда ҳаракатланаётганда ҳушёрликни унутиш, автотранспорт воситасини беписандлик билан бошқариш оғир оқибатларга олиб келувчи йўл-транспорт ҳодисасига сабаб бўлиши мумкин.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, И.Ҳамидуллаевнинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) қилмиши бунга мисол бўлади.

Ў жорий йилнинг май ойида дўсти билан тамаддихонага тушлик қилиш учун келиб, спиртли ичимлик истеъмол қилади. Бу ҳам етмагандек, И.Ҳамидуллаев А.Қўзиевга тегишли "Ваз-2106" русумли автомашинани ҳеч қандай ҳужжатсиз бошқариб, таниши билан ёқилғи қуйиш шохобчасига йўл олади. Тушлик пайтида истеъмол қилинган спиртли ичимлик ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Яъни ичимлик таъсирида И.Ҳамидуллаев автомашинани эплаб бошқара олмай қолади. Оқибатда у автомашина билан йўл четида турган И.Камолов ва унинг турмуш ўртоғи М.Камоловани уриб юборади.

Кўз юмиб, очгунча фожеали воқеа рўй беради. И.Камолов оғир тан жароҳати туфайли воқеа жойида, унинг турмуш ўртоғи эса, шифохонада ҳаётдан кўз юмади.

Албатта, суд томонидан И.Ҳамидуллаевга қонуний жазо тайинланди. Бироқ унинг нафсини тиёлмай, спиртли ичимлик истеъмол қилгани, маст ҳолда автомашина бошқаргани ва икки инсоннинг умрига зомин бўлгани ғоятда ачинарлидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, йўловчи ва ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилиши турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, йўлларда эркин ва бехавотир ҳаракатланиш, кўзланган манзилга ўз вақтида ва бешикаст етиб олиш имконини беради ва шундагина транспорт воситалари эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Шухрат СОТВОЛДИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг судьяси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Кўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1122. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6996.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 00³⁰